



ўқимадилар».\*

\* Дуонинг маъноси: **«Роббимиз! Сени ҳамдинг ила поклайман. Аллоҳим! Мени мағфират қил!»**

*Муттафақун алайҳ.*

«Саҳиҳайн»да келган бошқа бир ривоятда:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Куръонни таъвил қилароқ, рукуъ ва саждаларида: **«Субҳаанакаллооҳумма, Робанаа ва биҳамдик. Аллооҳуммағфир лии»**, деб кўп айтар эдилар».

Имом Муслимнинг бир ривоятида:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан олдин **«Субҳаанака ва биҳамдика, астағфирука ва атуубу илайка»**ни кўп айтадиган бўлиб қолдилар. «Эй Аллоҳнинг Расули! Сиз айта бошлаган ушбу калималар нима?» дедим. У зот шундай дедилар: **«Умматимда менга бир аломат қилинди, қачон шуни кўрсам, уларни айтяпман: «Аллоҳнинг нусрати ва фатҳи келса...»**<sup>[2]</sup> деб суранинг охиригача ўқидилар.

\* Маъноси: **«Ҳамдинг ила Сени поклаб ёд этаман, Сендан мағфират сўрайман ва Сенга тавба қиламан».**

Имом Муслимнинг бошқа яна бир ривоятида:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам **«Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳи, астағфируллоҳа ва атуубу илайҳ»**, деб кўп айтардилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, **«Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳи, астағфируллоҳа ва атуубу илайҳ»** деб кўп айтяпсиз-а?» дедим. У зот шундай дедилар: **«Роббим тез орада умматимда бир аломат кўришимни хабар қилди. Қачон ўшани кўрсам, «Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳи, астағфируллоҳа ва атуубу илайҳ»ни кўп айтаман. Дарҳақиқат, мен уни кўрдим: «Аллоҳнинг нусрати ва фатҳ - Макка фатҳи - келса ва одамларнинг Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб кирганини кўрсанг, Роббингга ҳамд ила тасбеҳ айт ва Ундан мағфират сўра. Албатта, У тавбаларни кўплаб қабул этувчидир».**<sup>[3]</sup>

\* Маъноси: **«Аллоҳни ҳамди ила поклаб ёд этаман, Аллоҳга истиғфор айтаман ва У Зотга тавба қиламан!»**

<sup>[1]</sup> Наср сураси, 1-оят.

<sup>[2]</sup> Наср сураси, 1-оят.

<sup>[3]</sup> Наср сураси, 1 - 3-оятлар.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI